

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил апрель ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья А.Икромовнинг раислигида, С.Рузметованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Яшнобод туман прокурорининг ўринбосари Л.Неъматуллаев, жабрланувчилар К.Сулайманова ва К.Камилова, судланувчи ФИШ ва унинг ҳимоячиси адвокат З.Шадиев иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди ва 168-моддаси 3-қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланаётган:

XXXXX Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласидан ажрашган, ёшга доир нафақада, муқаддам бир неча маротаба судланган:

- 1) Китоб туман судининг 2000 йил 18 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан жазо шартли ҳисобланиб, синов муддати тайинланган;
- 2) Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2001 йил 14 декабрь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан кўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2001 йилдаги “Амнистия тўғрисидаги” Фармониغا асосан ҳаракатдан тугатилган;
- 3) Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2002 йил 14 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромадига ундириб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган;
- 4) Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2009 йил 14 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси 2-қисмининг “б,д,е,з,и” бандлари билан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси



тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.08.2009 йилдаги “Амнистия тўғрисидаги” қарорига асосан жазодан озод этилган;

5) Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2011 йил 19 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромадига ундириб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2011 йилдаги “Амнистия тўғрисидаги” қарорига асосан жазодан озод этилган;

6) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2013 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари билан бўлган жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2012 йилдаги “Амнистия тўғрисидаги” қарорига асосан жазодан озод этилган;

7) Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2013 йил 26 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан бўлган жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 05.12.2012 йилдаги “Амнистия тўғрисидаги” қарорига асосан жазодан озод этилган;

8) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2015 йил 15 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 237-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2016 йил 7 июль кундаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўтамасдан қолган 3 йил 4 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу



муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2016 йил 6 октябрь кундаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 75-моддасига асосан ахлоқ тузатиш иши жазосидан озод қилинган;

9) Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2016 йил 17 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдориди, яъни 9.610.500 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима жазоси тўланган;

10) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2020 йил 27 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 15.11.2021 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 4 йил 3 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига ўзгартирилган, бугунги кунда ўталмаган жазо муддати 2 йил 4 ой 9 кунни ташкил этади, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй, 32-хонадонда рўйхатда турувчи, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-даҳаси, 5-уй, 48-хонадонда вақтинча яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 04.01.2024 йилдан буён Марказий ТҲ сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган **ФИШ**га

нисбатан 1-1009-2405/221-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва жабрланувчиларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ФИШ, хавфли рецидивист бўла туриб, ўзгалар мол-мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 16 декабрь куни, ўзини олдиндан тузиб қўйган жиний режаси асосида Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Олтин-тепа кўчаси, 2-уй, 26-хонадонда яшовчи фуқаро Сулаймонова Камола Эргаш қизининг



хонадонига келиб, К.Сулаймонова унга пулга мухтож бўлиб қолганлигини айтганлигидан фойдаланиб, К.Сулаймоновага “агарда Айфон 14 Про-Мах русумли уяли телефон апаратингни, сариқ метеллдан ишланган бир жуфт аёллар зирагингни ва сариқ метеллдан ишланган олмос кўзли аёллар узугингни берсанг, мен буларни гаровга қўйиб, эвазига сенга эртасига 20.000 АҚШ доллар олиб келиб бераман” деб айтиб, алдаб ишонтириб, К.Сулаймоновани ишонувчанлигидан фойдаланиб, К.Сулаймоновадан жами 22.000.000 сўмлик “Айфон 14 Про-Мах” русумли уяли телефон апаратини, сариқ метеллдан ишланган 10 граммли бир жуфт жами 3.500.000 сўмлик аёллар зирагини ва сариқ метеллдан ишланган олмос кўзли 10 граммли жами 16.000.000 сўмлик аёллар узугини, алдов йўли билан олиб кетиб, К.Сулаймоновага берган ваъдасини бажармай, алдов йўли билан қўлга киритилган “Айфон 14 Про Мах” русумли уяли телефон апаратини ва тилла тақинчоқларни сотиб юбориб, пулларини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, натижада К.Сулаймоновага жами 41.500.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, ФИШ, ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, 2023 йил 17 декабрь куни, соат 20:00 ларда, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қизил шарқ кўчаси, 10-уй, 52-хонадонда яшовчи фуқаро Камилова Клара Куранбаевнани хонадонига келиб, К.Камиловага ўзини қийнаиб қолганлиги ва пулга мухтож эканлигини айтиб, гўёки бозорда хўл мева олиб, сотувчи аёл сифатида кўрсатиб, К.Камиловага “янги йил олдидан хўл мева олиб, сотсам яхши даромад қиламан ва олган пулимни 2 кунда қайтариб бериб, қилган фойдамга хўл мева олиб сотиб, тирикчилигимни давом эттириб, ўз тадбиркорлик ишларимни ривожлантириб олардим” деб алдаб, К.Камиловага “шу тадбиркорлик ишларимни ривожлантириб олишим учун 2 кунда қайтариб, бериш шарти билан 400 АҚШ доллар бериб турсангиз мен сизга ишончли бўлиши учун эвазига гаровга келинимни Айфон 14 Про Мах русумли уяли телефон апаратини коробка хужжати билан бериб, шу ҳақда тилхат ёзиб берардим” деб ишонтириб, К.Камиловага “Айфон 14 Про Мах” русумли уяли телефон апаратини қолдириб, К.Камиловага мева олиб сотиб пулини 20.12.2023 йилда қайтариб бериш шарти билан, уни ишонтириб, К.Камиловадан 400 АҚШ (Марказий банкнинг маълумотномасига кўра, 1 АҚШ доллари 17.12.2023 йилдаги сўмга нисбатан қиймати 12.359 сўмни 400x4.943.600 сўмни ташкил этган) доллари миқдоридаги пулларини олиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Суд мажлисида судланувчи ФИШ унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2023 йил 15 декабрь куни, соат 18:30 ларда, таниши Пўлат қўнғироқ қилиб, “Камола исмли танишимни Яшнобод туманида сотиладиган уйи бор шуни сотишга ёрдамлашиб беринг Сизнинг телефон рақамингизни бердим” деб айтганлигини, шунда у уй олиб, сотиш билан шуғулланиб



юрганлиги учун Пўлат акага майли деганлигини, сўнг орадан бир соат вақт ўтиб, Пўлат ака унга қайта қўнғироқ қилиб, “Камолани телефон рақамини кўтармаётган экансиз телефон қилса олинг” деганлигини, шу вақтда у, телефонига қараган вақтида **уч** маротаба қабул қилинмаган қўнғироқ турганлигини кўриб, ўзи қайтиб ушбу рақамга қўнғироқ қилиб, “мени шу рақамимга телефон қилган экансиз кимсиз” деганида, унга “Камоламан Жиззахлик Пўлат акани танишиман” деб унга “Пўлат ака Сизга айтган бўлсалар керак уйимни сотмоқчиман аммо уйимни гаровга қўйиб, кредит олганман яна бироз қарзим бор, шунга уйимни қолган кредитини тўлаб, қолган қарзимни беришим керак шунга уйимни сотиб оладиган одам йўқми” деганида у, Камолага ўзини “Мухаббат” деб таништириб, Камолага “билмадим лекин 3 та уй олиб, сотадиган танишларим бор эртага уйингизни бориб кўришсин-чи” деб Камоладан уйини суратларини телеграм орқали ташлаб беришини сўраганлигини, шундан сўнг Камола унга телеграм орқали уйини суратларини ташлаб берганлиги, у ушбу суратларни “Алишер ва Саида” деган уй олиб сотадиган танишларига ташлаб бериб, шу уйни сотиб беришга ёрдамлашини айтганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, Камола унга уй олиб, сотадиган танишларини телефон рақамини беришини, ўзи гаплашиб кўришини айтганлиги сабабли “Саида” исмли танишини рақамини бериб юборганлигини, сўнг 2023 йил 16 декабрь куни Камолага қўнғироқ қилиб, “уйингни ўзим бориб бир кўрай-чи менга телеграм орқали уйингни локация жойлашувини ташлаб бергин” деб айтганида Камола унга телеграм орқали уйини локация жойлашув манзилини ташлаб берганлигини, сўнг ўша куни, соат 17:30 ларда “Рахимова Нодира ва Миркомилова Наргиза” деган танишлари билан бирга Камоланинг уйига борганлигини, Камола уни йўлакда кутиб, олганлигини, Н.Рахимова ва Н.Миркомилова исмли танишлари Камолани уйини олдидаги “Корзинка” савдо маркази олдида қолишганлиги, у билан бирга Камолани уйига чиқишмаганлигини, шу куни танишлари Н.Рахимова ва Н.Миркомилова Камола билан унинг уйи масаласида умуман гаплашмаганлигини ва учрашишмаганлигини, у Камолани уйига кирганидан кейин уйини кўриб чиқиб, уй олиб сотадиган таниши “Саида ҳам бир келиб, кўрсин-чи” деганлигини ва Камола билан гап орасида у, Камолага “ташқарида қолган Рахимова Нодира ва синглиси Миркомилова Наргиза” деган танишлари тиллачи эканлигини, тилла олиб сотишини, шунга унга “сен Айфон 14 Про Мах русумли телефон аппаратингни, зирагинг ва узугингни Н.Рахимова ва Н.Миркомилваларга тахминан 3.000 АҚШ долларга ҳисоблаб, гаровга берсанг улардан гаровга қўйиб кўпроқ пул олиш учун 100 гр. тилла олиб бераман ва 100 гр. тиллани гаровга қўйиб, пулига ишларингни битириб оласан, фақатгина узоғи 2 ойда қайтариб берсанг бўлди” деб айтганлигини, шундан сўнг у, Камоладан унинг “Айфон 14 Про Мах” русумли телефон аппаратини, бир жуфт 5,5 граммлик тилло зирагини ва



олмос кўзли 5,35 граммлик тилло узугини жами 3.000 АҚШ долларга ҳисоблаб олганлигини, Камолага ушбу нарсаларини Н.Рахимова ва Н.Миркомиловага гаровга қўйиб, эвазига улардан узоғи билан 2 ойда қайтариш шарти билан “100 гр. тилло олиб бераман ва 100 гр. тиллони сотиб, ўз ишларингни ҳал қилиб оласан” деганлигини, шунда Камола уни таклифига рози бўлганидан сўнг у, Камалодан “Айфон 14 Про Мах” русумли телефон аппаратини, бир жуфт зирагини ва олмос кўзли узугини олиб уйдан чиқиб кетганлигини, Камолани уйдан чиқиб кўчани бошида турган Н.Рахимова ва Н.Миркомиловалар билан кўришиб, яндекс таксига ўтириб, уйига кетганлигини, Камоладан алдаб олган нарсалар ўзида бўлганлигини ва Камоладан олган “Айфон 14 Про Мах” русумли телефон аппаратини, бир жуфт зирагини ва олмос кўзли узугини Н.Рахимова ва Н.Миркомиловаларга кўрсатмаганлигини, уларга бу ҳақда айтмаганлигини, сўнг эртаси куни соат 17.00 ларда, Камола унга қўнғироқ қилиб, “Саида исмли уй олиб сотадиган танишингиз келиб кетди, уйимни 110.000 АҚШ долларга нархлади, шундан кредитини тўлаб, мени қўлимга 30.000 АҚШ доллар бераман деди, лекин бу менга тўғри келмайди” деб айтганлигини, шунда у Камолага “агарда тўғри келмаса Саидага шу ҳақда телефон қилиб айтинг” деганлигини, шунингдек унга пул керак бўлганлиги учун Камоладан алдов, йўли билан олган “Айфон 14 ПроМах” русумли телефон аппаратини Клара деган танишига гаровга бериб, эвазига ундан 400 АҚШ доллар пул олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиш мақсадида Клара деган танишини олдига бориб, Кларага ўзини “Саидова Мавжуда” деб таништириб, пулга қийналиб қолганлигини, шунга янги йилга ҳўл мева олиб сотиб, фойда кўриб, пулини 3-4 кунда қайтариб беришини ва фойдасига ўзи ҳўл мева олиб сотиб, тадбиркорлик қилиб юришини, ишонмаса келинини “Айфон 14 Про Мах” русумли телефон аппаратини коробкеси билан гаровга қўйишини айтиб, Кларадан 400 АҚШ доллари олиб кетиб, алдов йўли билан қўлга киритган 400 АҚШ долларни қайтариб бериши лозим бўлган кун қайтариб бермай, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, сўнг Клара ундан пулини қайтариб бериш вақти келганида пулини сўраган вақтида пули бўлмаганлиги учун мазкур телефон аппаратини сотиб юбораверишини айтганлигини, Камолага тегишли бўлган тилло тақинчоқларини эса “Скупка золото” дўконига 6.000.000 сўм пул эвазига сотиб юборганлигини, ҳозирги кунда яқин қариндошлари жабрланувчилар К.Сулаймонова ва К.Камиловага етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, қилган ишларидан пушаймонлигини, бошқа такрорламаслигини, суддан ушбу ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи ФИШнинг жинойт содир этганликдаги айби, унинг судда берган кўрсатмасидан ташқари, муҳокама қилинган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.



Суд мажлисида жабрланувчи К.Сулаймонова мазкур ҳолат юзасидан қуйидагиларни, яъни у, ҳақиқатдан ҳам 2019 йилда Яшнобод тумани, Олтин-тепа кўчаси, 2-уй 26-хонадонни сотиб олганлигини, бугунги кунда тадбиркорлик ишлари бироз юришмай қолганлиги сабабли, МИБ Яшнобод туман бўлимидан 270.000.000 сўм қарз бўлиб қолганлигини, шу сабабли, мазкур хонадонини сотиб МИБ олдидаги қарздорлигини тўламоқчи бўлганлигини, шунга кўра, унга олдиндан таниш бўлган “Пўлат” ака деган танишига 2023 йил 15 декабрь куни хонадонини сотмоқчи эканлигини айтганида “Пўлат” ака унга “Мухаббат” деган таниши борлигини ва “Мухаббат” деган таниши яхши “маклер”, яъни уй олиб сотувчи эканлигини айтиб, унга “унинг телефон рақамини бераман кўнғироқ қилиб гаплашиб олсанг уйингни сотишда ёрдам беради” деб айтганлигини, сўнг Пўлат ака унинг телефон рақамига “Мухаббат” исмли аёлни рақамини “смс” қилиб юборганлигини, 2023 йил 15 декабрь куни “Мухаббат” деган аёлга кўнғироқ қилганлигини ва унга Олтин-тепа кўчаси, 2-уй, 26-хонадонини сотмоқчи эканлигини айтиб, ундан уйини сотишда ёрдамлашиб юборишини сўраганлигини, шунда ўзини “Мухаббат” деб таништирган ва унга шахси кейин маълум бўлган ФИШ унга унинг уйини сотишга ёрдам бериб юборишини ва сотилган пулидан 5% ни ўз хизмат ҳақи сифатида олишини, уни ўзидан ташқари яна 2 та шериги ҳам борлигини айтиб, ундан уйини неча кв.метр эканлигини, қайси қаватда жойлашганини, неча хонадан иборат эканлигини, уйини таъмирланган-таъмирланмаганлигини ва неча сўмга сотмоқчи эканлигини сўраганида, у ФИШга уйи жами 120,5 кв.метр эканлигини, таъмирланганлигини, уйини тахминан 140.000 АҚШ долларга сотмоқчи эканлигини айтганлигини, шунда ФИШ уни сўзларини эшитиб туриб, уйини сотишга ёрдам беришини ва мазкур манзилда жойлашган бундан сал каттароқ уйлар ҳозирда 160.000 АҚШ доллардан 180.000 АҚШ долларгача сотилаётганлигини айтиб, унга “уйингни сотишга ёрдам бераман фақат харидорларга уйингизни нархини айтманг” деб айтганида у, ФИШни таклифига рози бўлганлигини, шу вақтда ФИШ унга “рози бўлсангиз бир таклифим бор олдингизга борганимда айтаман, уйингизни бориб, кўришим керак” деб унга уйини манзилини телеграм орқали локация жойлашувини ташлаб беришини айтганлигини, шундан сўнг у, ФИШни мазкур телефонидаги телеграмга уйини локация жойлашувини ва уйини суратларини ҳамда ҳужжатларини ташлаб берганлигини, эртаси куни 2023 йил 16 декабрь куни, соат 18.40 ларда ФИШ унга нотаниш бўлган 2 та аёл билан бирга уйини олдида келганлигини, ФИШ унинг уйига киргани олдидаги 2 та нотаниш аёлни қудалари деб айтганлигини, лекин у, улар билан умуман гаплашмаганлигини, ФИШ унинг уйига кирган вақтида ҳалиги 2 та нотаниш аёл ташқарида, яъни “Корзинка” савдо маркази олдида қолишганлигини ва унинг уйига келишмаганини, улар билан гаплашмаганлигини, ФИШ уйига кириб,



сўнг уйини барча хоналарига кириб чиқиб, “уйингни нима учун сотяпсан” деб сўраганида у, ФИШга ҳозирда МИБдан 270.000.000 сўм қарзи борлигини, бундан ташқари яна 200.000.000 сўм қарзи борлигини, уйини сотиб қарзларини тўлаб, бошқа жойдан кичикроқ уй олмоқчи эканлигини айтганлигини, шунда ФИШ унга “уйингни янги йилгача сотиб бераман, унгача олиб сотиш учун 120.000 АҚШ долларга кафель, 40.000 АҚШ долларга ун, ёғ ва шакар маҳсулотлари борлигини, бундан ташқари яна Ўзбекистон Республикасига ноқонуний олиб кирилган дорилари воситалари ҳам борлигини” айтганини, лекин айнан нима дорилигини айтмаганлигини ва ФИШга “мен бундай ишлар билан шуғулланмайман” деб айтганлигини, ФИШ айтиб ўтган нарсаларини қаерда кимга тегишли эканлигини сўраб суриштирмаганлигини, сабаби унинг бу таклифи унга қизиқ бўлмаганлигини, шундан сўнг ФИШ унга “бир жойда ярим кг. 585 пробали тилласи борлигини мазкур тилласини олиш учун бошланишига 3.000 АҚШ доллар кераклигини, агарда ўзини ярим кг. тилласини олса унинг учун гаровга қўйиб, 20.000 АҚШ доллар олиб беришини ва ундан олиб, гаровга қўйган 3.000 АҚШ долларини ҳам 2 кунда олиб беришини у фақатгина шу ҳақда менга тилхат ёзиб берсанг бўлди шу билан ўз ишларингни ҳал қилиб оласан ва қарзларингдан қутуласан” деб айтганлигини, шу вақтда у ФИШга ҳозирда 3.000 АҚШ доллар пули йўқлигини айтганида, ФИШ ундан “автомашинанг бор-ку” деганида у ФИШга “автомашинам МИБдан қарзим борлиги учун тақиқда” деб айтганида, ФИШ унга ундай бўлса “қўлингиздаги “Айфон 14 Про-Мах” русуми телефонингиз 1.500 АҚШ долларга, қулоғиздаги тилла зирагингизни 300 АҚШ долларга ва қўлингиздаги олмос кўзли узугингизни 1.500 АҚШ долларга сотса бўлади, агарда берсангиз гаровга жами 3.000 АҚШ доллари йиғиб, эвазига эртага 20.000 АҚШ доллар олиб келиб бераман, Шу 20.000 АҚШ доллар ичидан 3.000 АҚШ долларини бериб, гаровга қўйилган “Айфон 14 Про-Мах” русумли телефон аппаратингни, тилла зирагингни ва тилла узугингни қайтариб оласан” деб айтганлигини, шунда у унинг бу гапларига ишониб, М.Кахаровага ўзини 1.500 АҚШ долларлик “Айфон 14 Про-Мах” русумли телефон аппаратини ичидаги сим картаси билан бирга, қулоғидаги тиллодан ишланган 10 граммлик бир жуфт жами 300 АҚШ долларлик зирагини ва тиллодан ишланган олмос кўзли 10 граммлик 1.500 АҚШ долларлик узугини ечиб бериб юборганлигини, ФИШ ундан мазкур буюмларини олиб, гаровга қўйиб, 2 кундан кейин 20.000 АҚШ доллар олиб келиб беришини айтиб, алдаб олиб кетганлигини, эртаси куни ФИШ уни алданганлигини сезиб, ундан телефони ва тилла тақинчоқларини қайтариб олиб келиб беришини талаб қила бошлаганлигини, ФИШ унга уни алдамаслигини айтиб, соат 11.00 ларда “омонатларинг турибди” деб унга нарсаларини видеосини юборганлигини, шундан сўнг ФИШни хатти-ҳаракатлари юзасидан қонуний чора кўришлик учун “102” рақамига қўнғироқ қилганлигини, сўнг унинг олдида Яшнобод тумани



ИИО ФМБ ходимлари келишганини ва ФИШни хатти-ҳаракатлари юзасидан қонуний чора кўришлик учун ариза ва тушунтириш хати ёзиб берганлигини, ҳозирги кунда унга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, шу сабабли ФИШга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи К.Камилова мазкур ҳолат юзасидан қуйидагиларни, яъни у 2023 йил 17 декабрь куни, соат 18.00 ларда уйида бўлган вақтида, уйига уни сўраб, унга ўзини “Саидова Мавжуда” деб таништирган аёл киши келиб, унга “беморларингиздан сўраб, суриштириб келдим” деганлигини, лекин айнан қайси беморини номидан келганлигини ва кимдан уни сўраб суриштирганлигини айтмаганлигини, у ҳам ундан бу ҳақда сўрамаганлигини, ўзини унга М.Саидова деб таништирган, асли исми ФИШ исмли аёл унга бозорда “хўл мева олиб, сотмоқчи эканлигини, лекин хўл мева олишга нақд пули йўқлигини, ҳозирда бироз қийналиб қолганлигини айтиб, ундан 2 кунда қайтариш шарти билан 500 АҚШ доллар бериб, туринг янги йил олди хўл мева олиб, бозорда сотиб яхши даромад қиламан ва олган 500 АҚШ долларимни 2 кунда қайтараман” деб илтимос қилиб, шу “2 кунни ўзида янги йил олди яхши савдо бўлгани учун Сизни 500 АҚШ долларингизни қайтариб бераман ва қолган фойдасига яна ўзим хўл мева олиб сотиш билан шуғулланиб юрардим ишончли бўлиши учун сизга келинимни “Айфон-14 Про Мах” русумли уяли телефон аппаратини коробкаси билан бирга бериб, тилхат ҳам ёзиб бераман ва мени қўллаб қувватлаганингиз учун сизга янги йилга хўл мева олиб келиб, бераман” деганлигини, лекин у, ундан хўл мева сўрамаганлигини, шунда у, ФИШни катта ёшли аёл эканлигини, усти боши яхши кийинган аёл эканлигини кўриб, уни алдамаса керак, қийналиб қолган бўлса, янги йил олди хўл мева олиб сотиб, яхши даромад қила-қолсин деган хаёлда унга 2 кунда қайтариш шарти билан 400 АҚШ доллар бериб туришга рози бўлиб, ФИШга “500 АҚШ долларим йўқ ҳозир олдимда даволанишим учун йиғиб қўйган 400 АҚШ долларим бор аниқ, 2 кунда қайтариб берсанг бериб тура олишим мумкин” деб айтганида ФИШ унга аниқ 2 кунда қайтариб беришини айтиб, уни ишонтирганлиги учун ФИШга 400 АҚШ доллар берганлигини, шундан сўнг ФИШ ундан хўл мева олиб, сотиш учун олган 400 АҚШ долларини 20.12.2023 йил куни қайтариб бериши тўғрисида тилхат ёзиб бериб, “опа ишончли бўлсин” деб унга “Айфон-14 Про Мах” русумли телефон аппаратини коробкаси билан бирга бериб кетганлигини, лекин мазкур телефон аппаратини бошқа бировга тегишли эканлигини айтмаганлигини, шу куни у, унинг телефон рақамини сўраб, олиб қолганлигини, сўнг ФИШ унга 400 АҚШ долларини қайтариш вақти, яъни 20.12.2023 йилда ҳам келганини, аммо ФИШ унга 400 АҚШ долларини олиб келиб бермаганидан сўнг ФИШни телефонига кечки томон қўнғироқ қилиб, ундан “бугун 400 АҚШ долларимни олиб келиб беришингиз керак эди” деганида ФИШ унга



“бораман ҳозирда бозордаман пулингизга ҳўл мева олиб қўйганман” деганини, шундан сўнг у ФИШни эртаси куни кута бошлаганлигини, лекин келмагани учун у, яна кечки томон унга қўнғироқ қилиб, пулини олиб келиб беришини сўраганида ФИШ унга “ана бораман мана бораман” деб турли важлар келтира бошлаганлигини, шу тариқа у, ҳар куни ФИШга қўнғироқ қилиб, пулини қайтариб беришини сўрай бошлаганлигини, лекин у, турли важлар келтирганлигини, шунда у, ФИШга даволаниши учун пул кераклигини айтиб, пулини сўраганида ФИШ унга “ҳозирда Самарқанддаман Сизга пул зарил бўлса гаровга бериб кетган Айфон-14 Про Мах русумли телефон апаратини сотиб юбораверинг” деб айтганлигини, шундан сўнг у ФИШга ташлаб кетган “Айфон 14 Про Мах” русумли телефон апаратини невараларига сотиб келиш учун берганлигини ва неваралари мазкур телефонни тахминан 300 ёки 350 АҚШ долларга сотиб келишганлигини, лекин кимга қаерда сотишганлигини билмаслигини, пулига эса ўзига керак бўлган дори дармонларни харид қилганини, шунда у, ФИШ уни алдаб, 400 АҚШ долларини олиб кетганлигини сезиб, унга нисбатан қонуний чора кўришлик учун Яшнобод тумани ИИО ФМБга ариза билан мурожаат қилганлигини, ҳозирги кунда ФИШга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Бундан ташқари, суд судланувчи ФИШнинг айби жиноят иши хужжатлари билан, яъни жабрланувчи К.Сулаймонованинг аризаси ва мурожаати, Яшнобод туман ИИБ ХПБ билдиргиси, шахсни фотосуратдан таниб олиш учун кўрсатиш ҳақидаги баённомаси, жабрланувчи К.Камалованинг аризаси ва мурожаати, судланувчининг тилхати, нарсани кўздан кечириш баённомаси, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ФИШнинг жиноий ҳаракати, яъни хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкини қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи ФИШни жавобгарликка тортишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 33-моддаси талабларига риоя қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Судланувчи ФИШга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, суд унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб, чин кўнгилдан пушаймонлигини, нафақахўрлигини, ёшини, жабрланувчиларнинг моддий даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик



даражасини инобатга олган ҳолда, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосидан ҳам камроқ миқдорда жарима жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, судланувчи ФИШга ушбу жиноятни содир этилгунга қадар, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 27.01.2020 йилдаги ҳукмига кўра, 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 15.11.2021 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 4 йил 3 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига ўзгартирилган бўлиб, мазкур жазо тўлиқ ўтамаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинлашни лозим деб топади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан ФИШни 04.01.2024 йилдан 15.04.2024 йилга қадар қамоқда сақлаб турилган ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд жиноят ишига илова қилинган ФИШ томонидан ёзилган тилхатни иш ҳужжатлари билан бирга сақлашни, иш бўйича манфаатдор тарафларга мазкур жиноят иши юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай қўшимча моддий ҳамда маънавий зарар юзасидан келгусида тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

ФИШ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Унга Жиноят Кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида – 68.000.000 (олтмиш саккиз миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин ва жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан ФИШни 04.01.2024 йилдан 15.04.2024 йилга қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 149 баравари миқдорида 50.660.000 (эллик миллион олти юзи олтмиш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида мазкур жазога жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 27.01.2020



йилдаги ҳукми юзасидан тайинланиб, ўталмаган қисмини тўла қўшиш йўли билан ФИШга базавий ҳисоблаш миқдорининг 149 баравари миқдорида 50.660.000 (эллик миллион олти юзи олтмиш минг) сўм жарима жазоси ва 2 (икки) йилу 4 (тўрт) ой 9 (тўққиз) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 61-моддаси 2-қисмига асосан ҳар қайси жазолар алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Жазонинг ижросини назорат қилиш ФИШнинг яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-даҳаси, 5-уй, 48-хонадонда соат 22:00дан 06:00га қадар ўташ белгилансин.

Судланувчи ФИШга жазони ўташ даврида қуйидаги чекловлар белгилансин, яъни:

1) Назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан, яъни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқарига чиқмаслик;

2) Алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

3) Оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

4) Кўнгилочар жойлар, ресторанлар, кафе ва барларга бормаслик каби мажбуриятлар белгилансин.

Жазони ўташ муддати маҳкум яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи ФИШга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 48¹-моддасининг 6-қисми талаблари, яъни озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазонинг ўталмаган муддати бошқа жазога алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи ФИШга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у суд залидан озод этилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргунга қадар, ФИШга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қопланганлиги инобатга олинсин.

Жиноят ишига илова қилинган ФИШ томонидан ёзилган тилхат иш ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Манфаатдор томонларга қолган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин, ҳукм қонуний кучга киргач



мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судига кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик этувчи:

(имзо)

А. Икромов

Нусхаси аслига тўғри;

